

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАЛИКОВ АЪЗАМ АБДУСАЛОМОВИЧ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БЎЛАЖАК  
ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси****Оглавление автореферата докторской диссертации****Content of the abstract of doctoral dissertation****Халиков Аъзам Абдусаломович**

Олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчилар  
педагогик маҳоратини ривожлантириш..... 3

**Халиков Аъзам Абдусаломович**

Развитие педагогического мастерства будущих учителей  
высших образовательных учреждениях..... 23

**Khalikov Azam Abdusalomovich**

Perfection of pedagogical skills of future teachers of  
universities..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАЛИКОВ АЪЗАМ АБДУСАЛОМОВИЧ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БЎЛАЖАК  
ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/Ped13 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz) ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Мусурманова Ойниса**

педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ибрагимов Холбой Ибрагимович**

педагогика фанлари доктори, профессор

**Исмаилова Зухра Карабаевна**

педагогика фанлари доктори, профессор

**Махмудова Муяссар**

педагогика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_соат \_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси 27 уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86

Диссертация автореферати 2018 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_куни тарқатилди.  
(2018 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**Ш.С.Шарипов**

Фан доктори илмий даражасини берувчи  
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., проф.

**Р.Г.Исянов**

Фан доктори илмий даражасини берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н.

**Д.Д.Шарипова**

Фан доктори илмий даражасини берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, п.ф.д., проф.

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Техникавий ва касб-хунар таълими тўғрисида”ги ва “Таълим соҳасида камситишга қарши кураш тўғрисида”ги конвенцияларида, “Маърифий, илмий ва маданий мазмундаги материалларни олиб кириш” тўғрисидаги Битимида дунё миқёсида ўқитувчилар мақомини ошириш, халқаро малака талаблари асосида ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ривожлантириш масалаларига катта эътибор берилган. Мазкур ҳужжатларда таъкидланишича, таълим муассасалари ўқитувчилари ҳамда талаба-бўлажак ўқитувчиларни ўқитиш сифатига нисбатан тенг шароитлар яратиш, тажриба алмашиш ва уларнинг педагогик кўникма ва малакаларини ривожлантиришга кўмаклашиш, таълим жараёнига инновацион педагогик технологияларни киритишга эътиборни қаратиш алоҳида аҳамият касб этмоқда<sup>1</sup>.

Жаҳонда айни вақтда халқаро илғор тажрибалар асосида олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ривожлантиришнинг амалий технологик тизими ва педагогик жараёнларини такомиллаштириш; педагогик маҳоратни ривожлантириш механизмларини шакллантириш; касбий рефлексия, ўз-ўзини фаоллаштириш, ностандарт педагогик ечимлар, педагогик маҳорат бўйича танловлар ҳамда кўп даражали таълим тизимларида педагогик маҳоратни ривожлантириш долзарб муаммо сифатида эътироф этилмоқда.

Юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар ёшларимизнинг хориждаги тенгдошлари билан илм-фан, маданият, тадбиркорлик, спорт ва бошқа соҳаларда фаол мулоқотда бўлиши, уларнинг ўз салоҳиятини дунё миқёсида намоён этиши учун катта имконият яратмоқда. Мактабгача таълим тизимининг жамиятимиз ҳаётидаги катта ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди ҳамда 11 йиллик таълим қайта тикланди. Буларнинг барчасидан ягона бир мақсад – Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши кераклиги кўзда тутилиши таъкидланди. Креативлилик ва инновацион тафаккурни ривожлантириш муҳим индикатор сифатида эътироф этилди. Шулар бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини глобаллашув жараёни талаблари асосида такомиллаштириш заруриятини вужудга келтирди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “педагог кадрларнинг касбий маҳорати сифати ва савиясини узлуксиз юксалтириш”<sup>2</sup> олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш бўйича энг муҳим устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди.

<sup>1</sup> ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари. //Ўзбекча нашрининг масъул муҳаррири Л.Саидова. – Т.: “Адолат”, 2004. –Б. 19-62.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 – сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарорлари ҳамда мазкур масалага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>1</sup>.** Бўлажак ўқитувчиларда педагогик маҳоратни ривожлантириш бўйича тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Association for Educational Communications and Technology – АЕСТ (АҚШ), University of Columbia (АҚШ), University of Sorbonne (Франция), University of Freiburg (Германия), Belfield pedagogical university (Германия), Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters university (Буюк Британия), Japan Institute of International Affairs (Япония), Miyagi pedagogical university (Япония), Seoul of National University (Жанубий Корея), University of Chunang (Жанубий Корея), Москва давлат педагогика университети (Россия)да олиб борилмоқда.

Бўлажак ўқитувчиларда педагогик маҳоратни ривожлантиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор илмий натижалар олинган, жумладан: педагогик маҳоратни ривожлантириш технологияларини ишлаб чиқишда халқаро ҳамкорликни амалга оширишнинг ташкилий ва стратегик механизмлари такомиллаштирилган (Association for Educational Communications and Technology – АЕСТ); педагогика олий таълим муассасаси талабаларини тьюторлик фаолиятига тайёрлаш тизимининг самарали фаолият кўрсатиш механизмлари такомиллаштирилган (Belfield pedagogical university); ўқитувчи касбий маҳоратини ривожлантиришнинг ташкилий-тузилмали модели яратилган (Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters university); бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик

---

<sup>1</sup> Мазкур қисм Botcheva, L., Shih, J., Huffman, L. C. Emphasizing Cultural Competence in Evaluation: A Process-Oriented Approach / L. Botcheva, J. Shih, L.C. Huffman // American Journal of Evaluation. 2009. Volume 30. №2. P. 176-188; Якушева С.Д. Основы педагогического мастерства. – Москва, Академия, 2012. – С. 256; Основы педагогического мастерства: Учебное пособие. //Под ред. И.А.Зязюна – М.: Просвещение, 2012. – 302 с.; Никитина Н.Н. Введение в педагогическую деятельность: Теория и практика. Учебное пособие. – М.: Издательский центр “Академия”, 2008.- 224 с.; Современные образовательные технологии: Учебное пособие. //Под ред. Н.В.Бордонской – М.: КНОРУС, 2013. – 432 с. каби манбаларга асосланиб ёзилди.

маҳоратни эгаллаш кўникма ва малакаларини ривожлантириш технологиялари ишлаб чиқилган (University of Columbia: АКШ), University of Sorbonne (Франция), (University of Freiburg: Германия); талабаларда педагогик маҳоратни ривожлантиришнинг лойиҳавий-конструктив технологиялари яратилган (University of Chunang: Жанубий Корея); бўлажак ўқитувчининг маънавиятини шакллантиришнинг нейролингвистик дастурлаштириш технологияси такомиллаштирилган (Miyagi pedagogical university: Япония); бўлажак ўқитувчиларда ўз касбига садоқатлилик позициясини ривожлантиришнинг коллаборатив технологиялари ишлаб чиқилган (Россия).

Тараққий этган давлатларнинг педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчилар педагогик маҳоратини ривожлантириш бўйича, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда: ўқитувчининг шахсий хислатлари ва хусусиятларини муайян педагогик қобилиятлар гуруҳига киритган ҳолда ривожлантириш; педагогик маҳоратни ўқитувчи касбий фаолиятини замонавий талаблар даражасида бошқаришни таъминлаш; педагогик маҳоратга педагогик санъатнинг бир қисми сифатида ёндашиш; ўқитувчининг педагогик фаолиятига интерфаол таълим технологияларини татбиқ этиш механизмларини такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг новаторлик ҳамда интерактив касбий хусусиятларини ривожлантириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Уйғониш даврининг етук намоёндалари Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Унсурул Маолий Кайковус, Абул-Қосим Умар Аз-Замахшарий, Шайх Саъдий Шерозий, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Жалолиддин Давоний, Ҳусайн Воиз ал-Кошифий кабиларнинг илмий мерослари ўқитувчига хос бўлган хусусиятларни шакллантиришда муҳим манба сифатида эътироф этилган.

Н.Н.Азизходжаева, Б.Р.Адизов, С.Базарова, У.Ш.Бегимқулов, Р.Ҳ.Джураев, Ш.Қ.Мардонов, О.Мусурмонова, Н.А.Муслимов, У.Н.Нишоналиев, Н.Ортиқов, Б.Х.Рахимов, Ў.Қ.Толипов, Д.Шарипова, Ш.С.Шарипов, Ш.Шодмонова, Н.Ғ.Эгамбердиева ва бошқалар бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш масалалари юзасидан илмий изланишлар олиб борган<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. – Т.: ТГПУ, 2003. – 192 с.; Джураев Р.Ҳ. Таълимда интерфаол технологиялар. –Тошкент, 2010. - 87 б.; Бегимқулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти. //Пед. фанлари докт. илмий дараж. учун дисс. – Т.: 2007.- 305 б.; Шарипов Ш.С. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти: п ед. фан. докт... дисс. автореф. –Т., 2012. – 46 б.; Шарипова Д. Научные основы гигиенического воспитания обучающихся: Автореф. ... дисс. док. пед. наук. – Т., 1990. – 47 с.; Толипов Ў.Қ. Олий педагогик таълим тизимида умуммехнат ва касбий кўникма ва малакаларни ривожлантиришнинг педагогик технологиялари: пед. фан. докт. ... дисс. – Тошкент: 2004. – 314 б.; Адизов Б.Р. Бошланғич таълимни ижодий ташкил этишнинг назарий асослари: Пед.фан.док... дисс. – Бухоро, 2002. – 276 б.; Мардонов Ш.Қ. Педагог кадрларни таълимий кадриятлар асосида тайёрлаш ва малакасини оширишнинг педагогик асослари: пед. фан. докт. ...дисс. – Т., 2006. – 302 б.; Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик

Педагогик маҳоратнинг турли психологик жиҳатлари, ўқитувчининг шахс сифатида касбий қобилиятларини ривожлантириш масалалари Л.С.Виготский, П.Я.Гальперин, М.Г.Давлетшин, В.В.Давидов, Е.Н.Линов, А.К.Маркова, Н.В.Кузьмина, С.Л.Рубинштейн, Б.Р.Қодиров, Э.Ғозиев ва бошқ. тадқиқотларида ўрганилган<sup>1</sup>.

Ўқитувчилар педагогик маҳоратини ривожлантириш муаммолари Б.А.Абдиқаримов, В.И.Андреев, Г.В.Брагина, И.А.Зязюн, Н.Н.Никитина, В.В.Давидов, В.Е.Жабак, Л.В.Занина, С.Б.Елканов, М.Н.Ермоленко, М.В.Корепанова, А.Е.Кондратенков, Н.В.Кузьмина, Ю.Н.Кулюткин, И.Д.Лушникова, В.А.Мижериков, И.П.Раченко, В.П.Симонов, Н.Н.Тарасевич, А.К.Маркова, А.П.Чернявская, С.Д.Якушева ва бошқ. томонидан таҳлил қилинган<sup>2</sup>.

---

асослари.: пед. фан. док. ... дисс. автореф. – Т.: ТДПУ, 2007. – 47 б.; Мусурмонова О. Юқори синф ўқувчилари маънавий маданиятини ривожлантиришнинг педагогик асослари: пед. фан. докт. дисс. – Т., 1993. – 364 б.; Ортиқов Н. Миллий ва умумбашарий кадриятлар асосида ўқувчи шахсини ахлоқий шакллантириш.: пед. фан. док. ... дисс. – Т.: 2000.- 305 б.; Раҳимов Б.Х. Бўлажак ўқитувчиларда касбий маданият муносабатларининг шаклланиши.: пед. фан. номз. дисс.: - Т.: 2005.- 161 б.; Шодмонова Ш. Олий ўқув юрти талабаларида мустақиллик тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш (Касб таълими йўналиши мисолида) пед. фан. док. дисс. – Т., 2010. – 340 б. Эгамбердиева Н.М. Маданий-инсонпарварлик ёндашув асосида талабаларни шахсий ва касбий ижтимоийлаштириш назарияси ва амалиёти (Педагогика олий таълим муассасалари мисолида): пед. фан. докт. ... дисс. – Т., 2010. – 332 б.

<sup>1</sup> Гальперин П.Я. Введение в психологию. – М.: Феникс, 2003. – 332 с.; Виготский Л.С. Педагогическая психология. – М.: Педагогика-Пресс, 1999. – 536 с.; Ғозиев Э.Ғ. Психологические основы развития самоуправления учебной деятельностью у школьников и студентов.: дисс. докт. псих. наук. – Ташкент, 1991. – 316 с. Давлетшин М.Г. Қобилият ва унинг диагностикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 134 б.; Давыдов В.В. Проблемы развивающего обучения. /Результаты экспериментальных исследований. – М.: Директ-Медиа Пабблишинг, 2008. – 613 с.; Маркова А.К. Психология профессионализма. – М.: б.и., 1996.- 306 с.; Кузьмина Н.В. Педагогическое мастерство учителя как фактор развития способностей учащихся. //Вопросы психологии.- 1984.- №1.- С.16.; Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – СПб.: Питер, 2013. – 713 с.;

<sup>2</sup> Абдықаримов Б.А., Абдыров А.М., Баубекова Г.Д. Профессиональная педагогика: Учебное пособие. – Астана, КазАТУ, 2008. – 367 с.; Андреев В.И. Педагогика творческого саморазвития. – Казань: Изд-во КГУ, 1996. – 568 с.; Якушева С.Д. Основы педагогического мастерства. – М.: Академия, 2012. – С. 256; Основы педагогического мастерства: Учебное пособие. //Под ред. И.А.Зязюна – М.: Просвещение, 2012. – 302 с.; Никитина Н.Н. Введение в педагогическую деятельность: Теория и практика. Учебное пособие. – М.: 224 с.; Брагина Г.В. Мастерство учителя на уроке. – М.: Творческая педагогика, 1992. – 40 с.; Давыдов В.В. Теория развивающего обучения. – М.: ИНТОР, 1996. – 544 с.; Жабак В.Е. Педагогическое мастерство учителя физической культуры. /Учебное пособие. – Челябинск: изд-тво Южно-Уральского ГПУ, 2016. – 195 с.; Занина Л.В., Меньшиков Н.П. Основы педагогического мастерства./Серия “Учебники, учебные пособия”. – Ростов н/Д: Феникс, 2003.- 288 с.; Корепанова М.В. Основы педагогического мастерства: учебник для студентов.2-е изд. – М.: Издательский центр «Академия», 2012. – 240 с.; Лушникова И.Д. Педагогические основы профессионально-личностного развития учителя на послевузовском этапе. //Автореф. дисс. док. пед. наук – М.: 1993. 32 с.; Раченко И.П. Диагностика развития педагогического творчество учителя. – Пятигорск, 1992.- 196 с.; Симонов В.П. Диагностика личности и профессионального мастерства преподавателя. – М.: МПА, 1995.- 189 с.; Тарасевич Н.Н., Кривонос И.Ф. Учителю о педагогической технике. – М.: Педагогика, 1987. – 216 с.; Елканов С.Б. Основы профессионального самовоспитания будущего учителя. – М.: Просвещение, 1989. – 190 с.; Кулюткин Ю.Н. Развитие творческого потенциала учителя в процессе его последипломного образования //Проблемы непрерывного образования. – Псков: 1995.- № 4. – С. 3.;



Турли соҳа вакиллари томонидан бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ривожлантириш муаммоси билан боғлиқ илмий изланишлар олиб борилган бўлса-да, кадрлар тайёрлаш тизимини ахборотлаштириш шароитида бўлажак ўқитувчилар педагогик маҳоратини ҳозирги глобаллашув, фан ва техника, замонавий ахборот ва коммуникация технологияларининг тараққиёти жараёнида ривожлантиришнинг педагогик тизимини янада такомиллаштириш масаласи махсус тадқиқ этилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университетининг “Касб таълими мазмунини модернизациялаш асосида ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси” (ИТД–1-148, 2012-2014 йй.), “Бошланғич синф ўқитувчилари учун мультимедиали дарс ишланмалар мажмуасини яратиш” (А-1-23, 2015-2017 йй.), “Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг замонавий ахборот компетентлигини ривожлантириш тамойилларини тадқиқ қилиш” (ОТ-Ф1-118; ОТ-Ф1-125) мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ривожлантиришни такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

олий таълим муассасалари талабаларининг педагогик маҳоратини ривожлантиришнинг ишланганлик даражасини таҳлил қилиш ҳамда тарихий, фалсафий, педагогик-психологик омилларини аниқлаштириш;

тизимли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчилар педагогик маҳоратини ривожлантиришнинг ташкилий-технологик, касбий педагогик, рефлексив компонентларини асослаш;

истикболли педагогик кадрлар касбий портретини яратиш, уларнинг педагогик маҳорати ривожланганлик даражасини аниқлашга хизмат қиладиган индикаторларни белгилаш;

бўлажак ўқитувчилар педагогик маҳорати ривожланганлик даражасини белгиловчи педагогик диагностикани такомиллаштириш;

бўлажак ўқитувчилар педагогик маҳоратини ривожлантиришда ўз-ўзини билиш, ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини назорат қилиш механизмларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** – олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ривожлантириш жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети** – олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини тизимли ёндашув асосида ривожлантириш мазмуни, шакли, метод ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида муаммога оид сиёсий, фалсафий, социологик, психологик-педагогик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил қилиш; олий таълим муассасаларида илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш; социометрик методлар (анкета, суҳбат); педагогик

тажриба-синов; натижаларни математик ва статистик таҳлил қилиш усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасалари талабаларининг педагогик маҳоратини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи (ижтимоий, маънавий, педагогик-психологик) мезонларнинг ўзаро боғлиқлик даражасини белгиловчи касбий педагогик рефлексия кўрсаткичлари талабанинг тайёргарлик сифатига қўйиладиган компетенциявий талаблар асосида такомиллаштирилган;

олий таълим муассасаси талабаларининг педагогик маҳоратини ривожлантиришда педагогик техника, нотиклик санъати, интуиция, креативлик, интеллектуаллик компонентларини қамраб олган педагогик қобилиятлар профессиограммаси такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчилар педагогик маҳоратининг (педагогик этика, педагогик такт, деонтологик мезонларга риоя қилиш, касбий-интеллектуал компетентлик, ўз-ўзини бошқара олиш санъати) ривожланганлик даражасини белгиловчи ташқи ва ички омиллар индикаторлари аниқланган;

бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини замон талаблари даражасида ривожлантиришнинг мазмуни, воситалари, шакл ва методларини амалга оширувчи дидактик шарт-шароитлар тизимли ёндашув технологияси воситасида такомиллаштирилган;

ахборот-коммуникация ва илғор педагогик технологиялар воситасида бўлажак ўқитувчилар педагогик маҳоратини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришнинг илмий-назарий ҳамда ташкилий-методик асослари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

бўлажак ўқитувчилар педагогик маҳоратини ривожлантиришга доир касбий-педагогик фаолиятни ташкил қилишнинг методик таъминоти ишлаб чиқилган;

истикболли педагог кадрларнинг касбий портрети яратилган ва амалиётга татбиқ қилинган, бўлажак ўқитувчилар педагогик маҳоратини ривожлантиришнинг фалсафий, психологик-педагогик омиллари аниқлаштирилган ҳамда касбий-педагогик фаолият самарадорлигини баҳолашнинг диагностик аппарати такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчилар педагогик маҳоратини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг модернизациялашган шакллари аниқлаштирилган, таълим жараёнида ахборот-коммуникация ва илғор педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш ва амалиётга татбиқ қилиш тизими яратилган;

бўлажак ўқитувчилар педагогик маҳоратини замонавий талаблар даражасида ривожлантиришнинг шакл, метод ва воситалари бакалаврият таълим йўналишлари учун яратилган “Педагогик маҳорат” (нашр рухсатномаси №335-062-2016) дарслиги мазмунида ўз аксини топган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммога фалсафий, педагогик ва психологик, методик ёндашувлар ҳамда педагогик маҳоратни ривожлантиришда республикамиз ва чет эллик олимлар тажрибаларига

асосланилгани; тадқиқот вазифаларига мос келадиган, ўзаро бир-бирини тўлдирадиган тадқиқот методлари қўлланганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор ва сифат жиҳатидан таъминланганлиги; тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик методлар воситасида асослангани ҳамда хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ривожлантириш орқали уларнинг касбий-педагогик фаолиятга тизимли ёндашув асосида йўналтирилгани; педагогика назарияси бўлажак ўқитувчилар педагогик маҳоратини ривожлантиришга оид ёндашувлар билан бойитилгани; бўлажак ўқитувчилар педагогик маҳоратининг ривожланганлик даражасини аниқлаш мезонлари ва кўрсаткичларини ўз ичига қамраб олган технологиянинг ишлаб чиқилгани билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти педагогика олий таълим муассасаларида ихтисослик фанлари бўйича такомиллаштирилган малака талаблари, фан дастурларини ишлаб чиқишда бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини замонавий талаблар даражасида ривожлантиришга оид компетенцияларнинг аниқлаштирилгани; касбий-педагогик фаолиятни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида самарали механизмларнинг такомиллаштирилгани ва амалиётга жорий этилгани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бўлажак ўқитувчилар педагогик маҳоратини ривожлантириш бўйича илмий натижалар:

бўлажак ўқитувчиларда педагогик маҳоратни ривожлантиришда касбий компетенциялар тизими “Ўзстандарт” агентлигининг 2014 йил 18 сентябрдаги 4574-сон қарори билан тасдиқланган бакалавриат йўналишлари «Педагогика соҳаси» Давлат таълим стандарти, малака талаблари мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 21 августдаги 303-сонли, 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруқлари). Мазкур компетенциялар педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг педагогик маҳоратини оширишга хизмат қилган;

олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ривожлантириш тизими учун “Педагогик маҳорат” дарслиги яратилган ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 16 сентябрдаги 387-сонли буйруғи билан республикамизнинг барча олий таълим муассасалари ўқув жараёнига татбиқ қилинган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 30 июндаги 87-03-1236-сон маълумотномаси). Мазкур дарслик республика олий таълим муассасаларида талабалар педагогик маҳоратини шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилган;

“Бошланғич синф ўқитувчилари учун мультимедиали дарс ишланмалари мажмуасини яратиш” (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа ҳамда “Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг замонавий ахборот компетентлигини ривожлантириш тамойилларини тадқиқ қилиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида талабаларнинг педагогик

маҳоратини ривожлантириш мезонларидан тизимли самарали фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2013 йил 14 ноябрдаги 365-б-сонли буйруғи). Мазкур таклиф ва тавсиялардан бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишда фойдаланилган;

олий таълим муассасалари талабаларининг педагогик маҳоратини ривожлантиришда педагогик техника, нотиклик санъати, интуиция, креативлик, интеллектуаллик компонентларини камраб олган педагогик қобилиятлар профессиограммаси такомиллаштирилган ва педагогик кадрларни тайёрлашда Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 15 сентябрдаги 226-сонли буйруғига мувофиқ фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 10 июлдаги 89-03.13.03-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар асосида бўлажак ўқитувчилар педагогик маҳоратининг ривожланганлик даражасини аниқлаш тизими ишлаб чиқилган;

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 6 та халқаро ва 34 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 66 та илмий-услубий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 34 та мақола (26 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда) чоп қилинган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация иши кириш, тўрт боб, 204 саҳифа, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчилар педагогик маҳоратини ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида педагогик маҳорат тушунчасининг моҳияти, Ўрта Осиё ва Европа мутафаккирлари асарларида ўқитувчи педагогик маҳорати тўғрисида ижтимоий қарашлар, “педагогик” маҳорат мезонларининг ривожланиш даражаси, педагогик маҳоратнинг намоён бўлиш омиллари, шартлари ва уни эгаллаш воситалари, ҳозирги

даврда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш масалалари баён қилинган.

Бўлажак ўқитувчиларда педагогик маҳоратни ривожлантиришга оид назарий-концептуал ёндашувлар, ўқитувчи касбий маҳоратини ривожлантиришга доир фазилатлар тизими ҳамда шахсга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил қилишнинг психологик-педагогик хусусиятлари аниқланди. Ўқитувчига хос бўлган масъулиятли вазифалар ундан ўз касбининг устаси бўлиш; ўқувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатиб, уларнинг қизиқиши, қобилияти, истеъдоди, эътиқоди, амалий кўникма ва малакаларини ҳар томонлама ривожлантириш йўллари белгилаб олишни талаб қилади.

Тадқиқотда педагогик маҳоратни ривожлантиришнинг фалсафий, тарихий, психологик-педагогик омиллари тасниф қилинган. Уйғониш даврининг Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Унсурул Маолий Кайковус, Абул-Қосим Умар аз-Замахшарий, Шайх Саъдий Шерозий, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Жалолиддин Давоний, Хусайн Воиз ал-Кошифий каби етук намоёндалари ижодий меросида педагогик тафаккурни шакллантириш, бўлажак мураббийларга нисбатан қўйилган талаблар муҳим манба сифатида эътироф этилган.

Ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш муаммолари Европа олимлари Я.А.Коменский, Жон Локк, Г.Песталоцци, А.Дистервег кабиларнинг илмий асарларида ўз ифодасини топган.

Гностик, креатив, хулқ-атвор, оғзаки нутқ ва бошқа интеллектлар билан боғлиқ бўлган ўқитувчи педагогик маҳорати мезонларининг хусусиятлари, шубҳасиз, интеллектларнинг мазмунан бой, динамик тавсифлари сифатида педагогик маҳорат даражасини белгилайди. Демак, таъкидлаш жоизки, ўқитувчи касбий тайёргарлигининг педагогик маҳорат даражасига мос келиши масаласи мураккаб ҳисобланади.

Педагогик маҳорат ривожига ўз даражаси ва хусусиятига кўра ташқи ва ички омиллар таъсир кўрсатади. Педагогик маҳоратни шакллантириш жараёни, мазмунининг касб хусусиятига тўғри келиши, бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлашни амалга оширишнинг сифат ва миқдор таркиби, таълим жараёни шакли, моддий-техник базанинг ҳал қилинаётган ўқув вазифалари, замон талабларига мос бўлиши ташқи омиллар ҳисобланади.

Педагогик маҳоратнинг физиологик жиҳатдан етакчи анализаторлар ёки шахснинг темпераменти, асаб тизимининг хусусиятлари билан ифодаланиши, касбий фаолият жараёнида эгалланган мустаҳкам шахсий ижтимоий-психологик ҳислатлар педагогик маҳорат хусусиятларидан келиб чиқиши, педагогик маҳорат инсоннинг бутун руҳий фаолияти ва феъл-атвордаги айрим динамик тавсифлар билан мукамал боғланиши ички омиллар сирасига киради.

Диссертацияда замонавий ўқитувчи эгаллаши лозим бўлган ижобий сифатлар, яъни олий таълим муассасасида замонавий билимлар, илғор тажриба ҳамда педагогик маҳоратни юқори даражада эгаллаш, педагогик

изланиш вазифасига мос тадқиқот методлари мажмуасини шакллантира олиш, назарий тадқиқот ва амалий тажриба-синов ишларини ўтказиш малакасига эга бўлиш, касбий фаолиятда ўзи ўқитадиган ўқув фанларидан ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар, электрон дарсликларни ярата олиш ва амалда қўллай билиш талаб қилиниши таъкидланади.

Диссертацияда педагогик маҳоратнинг асосий мақсади бўлажак ўқитувчиларда касбий маҳорат, ижодкорлик кўникмаларини ҳосил қилиш, муомала маданияти, педагогик техникани шакллантириш ва ривожлантириш, ўқитувчилик маҳоратининг дастлабки салоҳиятини таркиб топтиришдан иборат экани, педагогик маҳорат кузатувчанлик, ижодкорлик, илғор педагогик тажрибаларни мустақил ўзлаштириш сирларини ўргатиш, ўқиш ва ўқитиш жараёнида диққатни тақсимлаш, билим, кўникма ва малакалар, психик ҳолатларини бошқара олиш компетенцияларини ривожлантиришдан иборатлиги баён қилинади.


Диссертациянинг **“Олий таълим муассасалари бўлажак ўқитувчиларининг касбий фаолиятида педагогик маҳоратни ривожлантириш тизими”** деб номланган иккинчи бобда педагогик кадрларни касбий жиҳатдан тайёрлаш тизими, бўлажак ўқитувчиларнинг ўз-ўзини камолотга етказиши ва ўз-ўзини ривожлантириши, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий билимлар ва педагогик қобилиятларни эгаллашлари, касбий мулоқот – бўлажак ўқитувчилар педагогик маҳоратини ривожлантиришнинг тизими сифатида баён этилган.

Ҳозирги кунда ривожланиб бораётган иқтисодиёт ва эркин меҳнат бозори унинг барча талабларига жавоб берадиган, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш, ўқитувчилардан мукамал педагогик маҳоратга эга бўлишни талаб қилмоқда. Шу сабабли мамлакатимиз ва ривожланган хорижий давлатларда фаолият юритаётган педагог-олимлар бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда педагогик маҳорат йўналишини ривожлантириш масаласига алоҳида муаммо сифатида жиддий эътибор қаратмоқдалар.

Педагогик тизимда педагогик маҳорат моҳияти ўқитувчининг касбий фаолиятига йўналтирилган вазифаларини бажариш жараёнида унинг шахс сифатидаги ҳаракатларида намоён бўлади ва педагогик фаолиятда муваффақиятларга эришишни таъминлайди.

Педагогик маҳорат касбий фаолият жараёнида юзага келади, лекин у фаолиятнинг алоҳида тури саналмайди. Педагогик маҳорат махсус кўникмаларнинг юқори даражада ривожланганлиги билан тавсифланади ҳамда ўқитувчининг педагогик тизим жараёнида ўз талабалари фаолиятини маҳорат билан бошқаришда эгаллаган позициясини белгилайди.

Диссертацияда педагогик маҳорат мураккаб тузилишга эга бўлиб, педагогик маданият, касбий компетентлик, қобилият ва кўникмалар, нутқ маданияти, педагогик ҳамкорлик ва ўз-ўзини бошқариш, педагогик мулоқот, одоб-ахлоқ, психологик билимлар каби компонентларни ўз ичига олиши таъкидланган (1-расм).



**1-расм. Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмлари**

Касбий билимлар ўқитувчи педагогик маҳоратини ривожлантиришда асосий ҳисобланади. Ўқитувчининг билими, бир томондан, ўзи ўқитадиган фанга, иккинчи томондан, талабаларга қаратилади. Касбий билимлар мазмунини ўқув фани ҳамда уни ўқитиш методикаси, психологик ва педагогик жиҳатдан ташкил қилинади. Касбий педагогик билимларнинг ўзига хос жиҳати унинг мажмуавийлиги ҳамда интегративлигидан иборат. Касбий билимлар асосида ўқитувчининг ҳаракатлари, одатлари, ўз фаолиятига асосланган қонуниятлари ва тамойилларини белгилаб берувчи педагогик тафаккури шаклланади.


Диссертацияда бўлажак ўқитувчининг касбий-шахсий жиҳатдан ўз мавқеини ўзи белгилаши, ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини такомиллаштириш, ўз-ўзини ривожлантириш ва “ўз-ўзини мукаммал даражадаги мутахассис” сифатида унинг моҳияти ва аҳамиятини англаш, педагогик маҳоратнинг серқирра усулларини эгаллаш муҳим вазифаси эканлигига алоҳида эътибор берилган.

Бу бўлажак ўқитувчиларнинг касбий педагогик маҳоратини ошириб боришдаги мураккаб ва оғир йўлдаги биринчи, лекин охири қадам эмас. У ўқитувчининг ўз-ўзини тарбиялаши, ўз-ўзини мукаммаллаштириши ва ўз-ўзини ривожлантиришига асос бўлади. Маъноси жиҳатидан яқин бўлган бу тушунчалар, одатда, бир-бирининг ўрнида алмаштириб қўлланади. Кўпинча шахснинг ўз устида олиб борган ишини ифодалаш учун “ўз-ўзини тарбиялаш” атамаси ишлатилади, бу атама инсоннинг ўз қобилиятларини онгли ва мақсадли тарздаги фаолиятини, ижобий фазилатларини такомиллаштириш ва касбий фаолиятидаги салбий ҳолатларга барҳам беришни ифодалаши ушбу бобда баён этилди.

Диссертацияда олий таълим муассасалари талабаларининг педагогик маҳоратини ривожлантиришда педагогик техника, нотиклик санъати, интуиция, креативлик, интеллектуаллик компонентларини қамраб олган педагогик қобилиятлар профессиограммаси такомиллаштирилган.

Ушбу бобда педагогик маҳоратнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланган ўқитувчининг таълим-тарбия жараёнидаги мулоқоти хусусида мулоҳаза юритилди. “Мулоқот” ҳамда “коммуникация” атамалари параллел тарзда қўлланганлиги сабабли мазкур тушунчаларнинг ўзаро мувофиқ келиши ёки номуаносиблигига ойдинлик киритилди (2-жадвал).

2-расм



**2-расм. “Мулоқот” ҳамда “коммуникация” тушунчаларининг бир-биридан фарқланиши.**

Ҳозирги замон педагогикасида ўқитувчининг бутун билими, тажрибаси, педагогик маҳорати, билим олувчиларнинг манфаатлари, эҳтиёжлари, имкониятлари, ҳамкорлик фаолиятларини кўзлаган ҳолда, ўзаро мулоқотга асосланган бўлиши, шахсга йўналтирилган узлуксиз таълимни амалга оширишга қаратилиши долзарб вазифа сифатида эътироф этилмоқда.

Педагогик адабиётлар ҳамда кўплаб олимларнинг илмий изланишларида “мулоқот” ҳамда “коммуникация” (ёки коммуникатив қобилият) атамалари синоним тарзда ишлатилган. Илмий адабиётларнинг таҳлили натижасида “Коммуникация” атамасининг (юнончадан: *communicare* – боғламоқ, умумий муомала қилмоқ) қуйидаги учта маъносини таъкидлаб ўтиш мумкин:

- хабар бериш йўналиши;
- алоқа шакли ёки воситаси (оммавий ахборот воситалари учун);
- маълумотларни етказиб бериш ҳамда мулоқот тури.

Мулоқот билан коммуникация ўзаро бир-бирларидан қуйидаги жиҳатлари асосида фарқланади:

-мулоқот амалий, моддий, маънавий, ахборот ҳамда амалий-маънавий тавсифга эга.



-коммуникация атамаси маълумотларни жўнатиш йўллари, субъектнинг бошқа бир объект (инсонлар, ҳайвонлар, техникалар) билан алоқа қилиш воситаси орқали ўзаро ахборот алмашиши.

Диссертацияда ўқитувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини таъминловчи асосий жавобгар шахслиги, унинг педагогик маҳорати ҳамда маънавий қиёфаси ҳам ҳозирги замон талаблари даражасида, жаҳон андозаларига мос равишда шаклланиши, ўқитувчи ўқитиш шакллари оптимал даражада ташкил этишни, баркамол шахсни шакллантириш назариясини турли янги ғоялар билан бойитишни пухта билиши, мамлакатимиз таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар муваффақиятини таъминлаши кераклиги таъкидланган.

Диссертациянинг **“Олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчилар педагогик маҳоратини ривожлантиришда касбий рефлексиянинг аҳамияти”** деб номланган учинчи бобда рефлексиянинг касбий фаолиятдаги аҳамияти, бўлажак ўқитувчилар педагогик маҳоратни ривожлантиришда рефлексиянинг ўрни ва шарт-шароитлари, педагогик рефлексия – бўлажак ўқитувчилар касбий маҳоратини ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида, бўлажак ўқитувчиларда рефлексив компетентликни шакллантириш функциялари баён этилган.

Педагогик жараёнда рефлексия – юзага келган педагогик вазиятда педагогик ўзаро муносабатларнинг субъектив педагогик вазиятни ташкил қилувчилар: ўқувчилар, ўқитувчилар, педагогик жараён қатнашчиларини ривожлантириш шартлари, муҳит, мазмун, моҳият, педагогик технологиялар ва бошқаларга ўзини мувофиқлаштириш жараёни. Касбий рефлексиянинг ўзи ва шахсий “Мен”и имкониятларидан келиб чиқиб танланган касб, жумладан, у ҳақда мавжуд тасаввурлар талаб қиладиган омиллар билан уйғунлаштириш сифатида таърифланади. Педагогик касбий рефлексия ҳақида ҳам сўз юритиб, бу тушунча остида исталган касбий рефлексияга ўхшаш, лекин педагогик фаолият хусусиятлари ва шахсий педагогик тажриба билан боғлиқ моҳиятан ўзгача рефлексия назарда тутилиши таъкидланади. Ўқитувчининг касбий педагогик фаолиятида рефлексия жараёнини ўрганиб, кўплаб олимлар унинг коммуникатив ҳамда кооператив турларини устун қўяди, айнан ушбу усуллар ўқитувчининг педагогик фаолиятида ва ўқувчилар билан мулоқотида кўпроқ намоён бўлади.

Диссертацияда педагогика олий таълим муассасалари талабаларини ўқитиш жараёнидаёқ рефлексия механизмларини ўзлаштириши бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги учун янги имкониятлар очиши таъкидланди. Бўлажак ўқитувчининг профессионал рефлексиясини олий педагогик таълим муассасалари таълим-тарбия жараёнини индивидуаллаштириш асосида ривожлантириш талабанинг тайёргарлик сифатига қўйиладиган компетенциявий талаблар асосида такомиллаштириш мумкинлиги илмий жиҳатдан асосланган.

Ўқитувчи педагогик маҳоратининг асосий хусусиятларидан бири унинг ривожланишида узлуксизликнинг мавжудлигидир. Рефлексив жараёнда

ўқитувчининг касбий маҳорати, касбий сифатларининг ривожланишини, бойиб боришини, кучайишини рағбатлантириш инobatга олиниши лозим.

Фикримизча, ўқитувчи педагогик фаолиятда муваффақиятга эришиши унда рефлексиянинг мукамал ривожланганлик даражасини белгиламайди, аксинча, таълим-тарбияда ўқитувчининг муваффақиятга эришиши, ўз фаолияти натижаларидан қониқиши, ўқитувчининг шаклланган касбий педагогик рефлексиясига боғлиқ. Рефлексия ўқитувчига ўз-ўзини касбий жиҳатдан такомиллаштириш манбаларини ўз билими ва имкониятларидан излаб топишда кўмаклашади. Бу ўқитувчининг касбий рефлексияси ривожлангани сари кечадиган ва унинг асосида узлуксиз педагогик касбий маҳоратини ва ўз-ўзини такомиллаштириш имкониятини таъминлайдиган жараёнларни чуқурроқ тушунишни таъминлайди.

Тадқиқот доирасида касбий педагогик рефлексия бўлажак ўқитувчилар педагогик маҳоратини ривожлантиришнинг ўз-ўзини билиши, англаши; ривожлантириш, назорат қилиш босқичларини ўз ичига қамраб олиши аниқланди. (3-расм).

3–расм.



**3-расм. Ўқитувчининг касбий рефлексияси асосида педагогик маҳоратининг ривожланиши.**

Диссертацияда ўқитувчининг касбий педагогик маҳоратини ривожлантириш муаммосини ҳал этишда унинг касбий рефлексиясини такомиллаштириш аҳамиятга эгаллиги кўрсатилган. Касбий педагогик рефлексия нафақат касбий фаолият, балки билим, кўникма ва малакаларнинг ўсишини таъминлайди ҳамда ушбу фаолиятни такомиллаштириш ҳам саналади.

